
“Қудаш” маҳалласига янги электр кабеллари тортилмоқда

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси томонидан туманнинг “Қудаш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 779-сонли трансформатор пункти орқали электр энергияси билан таъминланадиган истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар олиб борилмоқда.





Шу мақсадда мазкур ҳудудга лойиҳа асосида қуввати 160 кВА бўлган янги трансформатор ҳамда 83 дона янги темир бетон таянчлари ўрнатилиб, айти кунларда 0,4 кВли янги электр узатиш тармоқлари учун кабел тортиш ишлари бажарилмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-05-11 16:56:46